

Исломий банклар ва молия институтлари кенгашига янги раис тайинланди



12:30 / 07.09.2020 1066

Ислом давлатларидаги молия институтларини бирлаштирган Исломий банклар ва молия институтлари бош кенгашининг навбатдаги йиғилиши онлайн шаклда ўтказилди. Бу ҳақда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги хабар берди.

Йиғилишда кенгашнинг янги бошқарув раис тайинланди.

«Saudi Gazette» нашри хабарига кўра, жорий даврга қадар «Al Baraka Banking Group» банкининг масъул вакили сифатида фаолият юритган Шайх

Абдуллоҳ Солиҳ Камол кенгашни 2022 йилнинг июнь ойигача бошқариш ваколатига эга бўлди.